

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ МИРФАЙЗ САЛИМОВИЧ

**ТАКОМИЛЛАШГАН ҚИЯ-КЎП ПОҒОНАЛИ ҚУЁШ СУВ ЧУЧИТГИЧ
ҚУРИЛМАСИ**

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философских (PhD) по
технических наук
Contents of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) of technical
sciences**

Мирзаев Мирфайз Салимович

Такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитғич қурилмаси..... 3

Мирзаев Мирфайз Салимович

Усовершенствованная наклонно-многоступенчатая солнечная опреснительная установка 21

Mirzaev Mirfayz Salimovich

Advanced tilt-multi-stage solar destination plant 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ МИРФАЙЗ САЛИМОВИЧ

**ТАКОМИЛЛАШГАН ҚИЯ-КЎП ПОҒОНАЛИ ҚУЁШ СУВ ЧУЧИТГИЧ
ҚУРИЛМАСИ**

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/T206 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qmii.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзоєв Шавкат Мустақимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уришев Бобарим
техника фанлари доктори, профессор

Ахатов Жасуржон Саидович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти»
Миллий тадқиқотлар университети

Диссертация химояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.T.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (75) 224-02-89; факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (75) 224-02-89; факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 02 кuni тарқатилди.
(2022 йил «21» 02 даги № 8 рақамли реестр баённомаси).



Г.Н. Узоқов

Илмий раҳбарлар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Х.А. Давлонов

Берувчи илмий кенгаш
кошиби, т.ф.д., доцент

Б. Уришев

Илмий кенгашлар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолини чучук сув билан таъминлашда қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ер шаридаги умумий сув миқдорининг атиги 2 фоизини чучук сув ташкил этади. Чучук сув истеъмоли динамикаси бўйича олинган маълумотларга кўра, аҳолини йиллик ўсиши 83 миллион нафарни ва шунга асосан чучук сувга бўлган талабни ўсиши эса 64 миллион кубометрни ташкил этади. Яқин 20 йил ичида чучук сувдан фойдаланиш миқдорининг 3 баробарга ортиши башорат қилинмоқда¹. Шу сабабли, аҳолини чучук сув билан таъминлашда энергия тежамкор, қайта тикланадиган энергия манбалари асосида ишловчи қуёш сув чучитгич қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбалари асосида ишловчи қуёш сув чучитгич қурилмаларининг конструкцияларини такомиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш ҳамда иссиқлик-техникавий параметрларини оптималлаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, қуёш сув чучитгич қурилмаларининг мақбул конструктив параметрларини аниқлаш, қурилмадаги иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш ва қуёш сув чучитгич қурилмасининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу сабабли, чучук сув олиш учун қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаларини яратиш ва уларнинг асосий иссиқлик-техник параметрларини оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда аҳолини чучук сув билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, чучук сув тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш, жумладан, табиий ёқилғи ресурсларини тежалишини таъминловчи қуёш сув чучитгич қурилмаларининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясида «...энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаларини яратиш ва жорий қилиш долзарб илмий-техник масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд

¹ <https://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 4-октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»³ги Фармони ва 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора тадбирлари тўғрисида»⁴ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика ва фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуёш сув чучитгич қурилмаларини такомиллаштириш ва конструктив параметрларини оптималлаштириш, шу асосда энергия самарадорлиги юқори бўлган қуёш сув чучитгич қурилмаларини яратиш бўйича жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қуёш сув чучитгичларида содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини тадқиқот қилиш ва параметрларини оптималлаштириш бўйича хорижлик олимлар Ж.А. Даффи, К.Т. Трофимов, В.Б.Вайнберг, В.А.Баум, Р. Байрамов, Г.Н. Тивари, Ҳ.М. Йех, Э. Рубио, М. Фарид, Саад Абул-Энинлар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Республикамизда қуёш энергия асосида чучук сув олиш технологиялари ва қурилмаларини яратиш бўйича тадқиқотлар Р.А. Захидов, Р.Р. Авезов, А.Б. Вардияшвили, Б.М. Ачилов, Т.Д. Жўраев, С.Қ. Қаҳоров, О.С. Комилов, Ж.С. Ахатов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Қуёш сув чучитгич қурилмаларини самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотларда эришилган ижобий натижаларга қарамасдан, қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини такомиллаштириш, комбинациялашган қуёш сув чучитгич-қуритгич қурилмаларини ишлаб чиқиш, сув чучитиш тизимида содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора тадбирлари тўғрисида» Қарори.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ф.01.2017-рақамли «Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари» илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуёш сув чучитгич қурилмаларида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини тадқиқот қилиш асосида такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуёш сув чучитгич қурилмалари ва технологияларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг иссиқлик балансини моделлаштириш ва сонли тадқиқот қилиш;

такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини ишлаб чиқиш ва тажрибавий тадқиқот қилиш;

комбинациялашган қуёш сув чучитгич-қуритгич қурилмасини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш;

такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгичидаги иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларининг қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, иссиқлик ва масса алмашинуви назарияси, гелиотехник қурилмаларни тажрибавий тадқиқот қилиш ва тажриба натижаларини умумлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қуёш сув чучитгич қурилмаларининг ишчи камерасида буғланиш интенсивлигини ошириш имконини берадиган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг иссиқлик балансини математик моделлаштириш ва унинг сонли ечимлари асосида қурилмадаги шўр сув, қурилманинг шаффоф қопламаси ва қорайтирилган асоси, қуритгичда ҳаракатланаётган нам ҳаво ҳароратларини ўзгаришини ҳисоблаш имконини берадиган тенгламалар олинган;

қуёш сув чучитгич қурилмасининг асосидан йўқотиладиган иссиқликни камайтириш ва бир вақтнинг ўзида чучук сув олиш ҳамда маҳсулотни қуритиш имконини берадиган комбинациялашган қуёш сув чучитгич-қуритгич қурилмаси ишлаб чиқилган;

қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаларининг ясси шаффоф сиртига тушадиган кунлик қуёш нурланиш энергиясининг соатлик қийматларини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

табiiй шароитда ўтказилган тажриба тадқиқотлари натижаларини умумлаштириш асосида қуёш сув чучитгич қурилмасида олинадиган чучук сув миқдорини қуёш радиацияси ва атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқловчи эмпирик тенглама олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қуёш сув чучитгич қурилмасининг ишчи камерасига ташқи ҳавони сўрилиб киришидан сақловчи сифонлар ўрнатилган, такомиллаштирилган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси ишлаб чиқилган;

қуёш сув чучитгич қурилмасидан ташқи муҳитга иссиқлик йўқотилишини камайтириш, бир вақтнинг ўзида чучук сув ва қуритилган маҳсулот олиш имконини берадиган комбинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, олинган натижаларга замонавий математик ишловлар бериш, эмпирик, кузатув ва таққослаш усуллариининг бир хил шароитда қўлланилиши, такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг иссиқлик балансини математик моделлаштириш ва унинг сонли ечимлари асосида қурилмадаги шўр сув, шаффоф қопламаси ва қорайтирилган асоси, қуритгичда ҳаракатланаётган нам ҳаво ҳароратларини ўзгаришини аниқлайдиган боғлиқликлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини самарадорлигини ва фойдали иш коэффициентини ошириш учун конструктив параметрлари оптималлаштирилган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қурилма ўхшаш қурилмаларга нисбатан самарадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Такومиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини ишлаб чиқиш буйича олинган илмий натижалар асосида:

бир вақтда чучук сув олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган комбинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (№ FAP 01462, 12.12.2019 й.). Натижада, бир вақтнинг ўзида қурилмадан чучук сув ва сифатли қуритилган маҳсулот олиш имконияти яратилган;

комбинациялашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси Бухоро вилоятининг “Илҳом юлдузи замини” фермер хўжалигида жорий

этилган (Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги 01/12-5448-сонли маълумотномаси). Натижада, қурилманинг бир метр квадрат юзасидан мавсум давомида ўртача 95,7 кг шартли ёқилғини тежашга эришилган;

қия-кўп поғонали сув чучитгич қурилмасининг шаффоф сиртига тушувчи йиғинди қуёш нурланиши қувватини ҳисобловчи дастурдан (DGU 05073) Бухоро давлат университетида 2016-2017 йилларда бажарилган А-13-3 рақамли “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини янада такомиллаштириш ва улардаги жараёнларни моделлаштиришни тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 октябрдаги 89-03-3919-сонли маълумотномаси). Натижада, сув чучитиш қурилмаларининг шаффоф сиртига тушаётган қуёш нурланиш энергияси миқдорини назарий аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделига патент ҳамда 1 та ЭХМ дастурий маҳсулот учун муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қуёш сув чучитиш технологияларининг ривожланиши ва таснифланиши**» номли биринчи бобида шўр сувларни қуёш энергияси ёрдамида чучуклантириш муаммосининг ҳозирги ҳолати ва қуёш энергияси ёрдамида чучук сув олиш қурилмаларини ривожланиш истиқболлари, қуёш сув чучитиш қурилмаларининг таснифи, қуёш сув чучитиш қурилмаларида кечадиган иссиқлик ва масса алмашинув

жараёнлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Илмий манбалар таҳлили асосида қуёш сув чучитгичларини самарадорлигини оширишда қурилманинг ишчи камерасида содир бўладиган иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларини чуқур тадқиқот қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиниб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаларидаги иссиқлик оқимининг балансини моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг ҳарорат режимини математик моделлаштириш, қурилма сиртига тушувчи йиғинди қуёш нурланишини ҳисоблаш алгоритми ва сонли тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг иссиқлик баланси схемаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Такомиллашган қия – кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг иссиқлик баланси схемаси

Такомиллашган қия – кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси учун иссиқлик баланси тенгламалари қуйидаги кўринишда бўлади:

- ёруғлик ўтказадиган шаффоф қоплама учун:

$$\alpha F_{sh} q_T + (h_b + h_k + h_n) F_{sh} (T_s - T_{sh}) = (h_{nsh} + h_{ksh}) F_{sh} (T_{sh} - T_o) \quad (1)$$


- чучитгич ичидаги шўр сув учун:

$$c_s m_s \frac{dT_s}{dt} = (\tau\alpha)_{sam1} F_s q_T + h_{as} F_s (T_{as} - T_s) + (h_b + h_k + h_n) F_s (T_{sh} - T_s) \quad (2)$$

- чучитгичнинг қорайтирилган асоси учун:

$$(\tau\alpha)_{sam2} F_{as} q_T = h_{as} F_{as} (T_{as} - T_s) + h_{qa} F_{as} (T_{as} - T_{qh}) \quad (3)$$

Комбинациялашган чучитгич - қурутгич қурилмасининг иссиқлик баланси схемаси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Комбинацияланган чучитгич - қуригич қурилмасининг иссиқлик баланси схемаси

Қуригич камераси учун иссиқлик баланси тенгламалари:

- қуригич камераси ичидаги наҳ хаво учун:

$$c_{nh}m_{nh}\frac{dT_{nh}}{dt} = (h_b + h_{k2m})(T_{qm} - T_{nh})F_{qm} + \sum h_{qak} F_i(T_{nh} - T_{qd}) - C_d F_{qch} \sqrt{2g\Delta H \Delta P} \quad (4)$$

- мақсулот учун:

$$c_{qm}m_{qm}\frac{dT_{qm}}{dt} = h_{k1m}F_{qm}(T_o - T_{qm}) + (h_b + h_{k2m})F_{qm}(T_{nh} - T_{qm}) \quad (5)$$

- қуригич деворлари учун:

$$\alpha_d F_{nqd} q_{qd} = h_{qatk} F_{qd}(T_{qd} - T_o) + h_{qdk} F_{qd}(T_{qd} - T_{nh}) \quad (6)$$

Қурилма элементлари учун таклиф этилган иссиқлик баланси тенгламалари биринчи даражали чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасидир. Бу тенгламаларда номаълум катталиклар қурилма элементларининг ҳароратлари ҳисобланади. Иссиқлик баланси тенгламаларини ошқормас кўринишдаги айирмали схемадан фойдаланиб алгебраик тенгламаларга айлантирамиз ва ҳар бир элементнинг ҳароратига нисбатан ечамиз. Натижада қуйидаги тенгламалар ҳосил бўлади:

- шаффоф қоплама ҳарорати учун:

$$T_{sh}^{t+\Delta t} = \frac{(h_b+h_k+h_n)T_s^{t+\Delta t}+(h_{nsh}+h_{ksh})T_o^{t+\Delta t}+\alpha \cdot q_T^{t+\Delta t}}{(h_b+h_k+h_n+h_{nsh}+h_{ksh})} \quad (7)$$

- қурилма ичидаги шўр сув учун:

$$T_s^{t+\Delta t} = \left[1 - \frac{\Delta t}{c_s m_s} (h_{as} F_s + (h_{ns} + h_{rs} + h_{bs}) F_s) \right] T_s^t + \frac{\Delta t}{c_s m_s} \left[h_{as} F_s T_{as}^{t+\Delta t} + (h_{ns} + h_{rs} + h_{bs}) F_s T_{as}^{t+\Delta t} + (\tau \alpha)_{sam1} F_s q_T^{t+\Delta t} \right] \quad (8)$$

- қурилманинг қорайтирилган асоси учун:

$$T_{as}^{t+\Delta t} = \frac{h_{as}T_s^{t+\Delta t} + h_{qd}T_{nh}^{t+\Delta t} + (\tau\alpha)_{sam2} \cdot q_T^{t+\Delta t}}{(h_{as} + h_{qd})} \quad (9)$$

- қуритгич ичида ҳаракатланаётган нам ҳаво учун:

$$T_{nh}^{t+\Delta t} = \left[1 - \frac{\Delta t}{c_{nh}m_{nh}} (h_b + h_{k2m} + \sum h_{qdk}F_i) \right] T_{nh}^t + \frac{\Delta t}{c_{nh}m_{nh}} [(h_b + h_{k2m})T_m^{t+\Delta t} + \sum h_{qdk}F_i T_{qd}^{t+\Delta t} - C_d F_{qch} \sqrt{2g\Delta H\Delta P}] \quad (10)$$


- қуритгичда жойлаштирилган маҳсулот учун:

$$T_M^{t+\Delta t} = \left[1 - \frac{\Delta t}{c_m m_m} (h_{k1m}F_m + (h_b + h_{k2m})F_m) \right] T_M^t + \frac{\Delta t}{c_m m_m} [h_{k1m}F_m T_o^t + (h_b + h_{k2m})F_m T_{nh}^t] \quad (11)$$

- қуритгич девори учун:

$$T_{к.д}^{t+\Delta t} = \frac{h_{qdk}F_{qd}T_o^{t+\Delta t} + h_{qdk}F_{qd}T_{nh}^{t+\Delta t} + \alpha_d F_{qd} q_T^{t+\Delta t}}{h_{qdk}F_{qd} + h_{qdk}F_{qd}} \quad (12)$$

Ҳосил бўлган тенгламаларни кетма-кет яқинлашиш усулидан фойдаланиб ечамиз. Бунда чегаравий шарт сифатида 3-расмда келтирилган атроф-муҳит ҳароратининг ва қурилма ташқи элементлари сиртларига тушувчи йиғинди қуёш нурланишининг кунлик ўзгариши қабул қилинади.




Вакт, соат

1-горизонтал сиртга тушувчи йиғинди қуёш нурланиши; 2-атроф-муҳит ҳарорати.

3-расм. Тушувчи йиғинди қуёш нурланишининг кунлик ўзгариши графиги


(7)-(12) тенгламаларни сонли усуллардан фойдаланиб ечиш алгоритми 4-расмда келтирилган.



T - ҳароратнинг дастлабки тахминий қиймати; T_0 - бошланғич ҳарорат.

4-расм. Математик моделни ҳисоблаш алгоритми

5-расмда такомиллашган қия-қўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасида кун давомида чучитгичдаги шўр сув, шаффоф қатлам ва қурилма қорайтирилган асоси ҳароратларини ўзгариши келтирилган. Кўришиб турибдики, тушувчи йиғинди қуёш нурланиши 737 Вт/м^2 бўлганда шўр сувнинг максимал ҳарорати 72°C , шаффоф қатламнинг максимал ҳарорати 65°C ва қорайтирилган асос максимал ҳарорати 78°C бўлади.




1- сувнинг ҳарорати; 2-шаффоф тўсиқнинг ҳарорати; 3-қурилма асосининг ҳарорати.

5-расм. Қуёш сув чучитиш қурилмаси элементларининг ҳароратларини кунлик ўзгариши графиги


6-расмда қуёш сув чучитгичида дистиллят ҳосил бўлишининг кунлик ўзгариши келтирилган. Дистиллят ҳосил бўлиши соат 9^{00} да бошланиб 20^{00} гача давом этади. Қуёш нурлари мавжуд бўлмаганда дистиллятни ҳосил бўлиши қуёш энергиясини қурилма элементларида аккумуляцияланиши натижаси ҳисобланади. Кун давомида максимал дистиллят ҳосил бўлиши соат 14^{00} дан 15^{00} гача ораликга тўғри келади ва тушаётган йиғинди қуёш нурланишининг максимал қиймати 737 Вт/м^2 бўлганда, қурилмадан

олинадиган соатлик сув миқдори $0,6 \text{ кг/м}^2$ ни ташкил этади. Кун давомида ушбу кўрсаткичларига мос келувчи ўртача дистиллят ҳосил бўлиш миқдори $4,3 \text{ кг/м}^2$ га тенг.




6-расм. Кўёш сув чучитгичида дистиллят ҳосил бўлишининг кунлик ўзгариши графиги

7 ва 8-расмларда май-октябрь ойларида кўёш сув чучитгичида дистиллятни ҳосил бўлиши ва кўёш сув чучитгичининг фойдали иш коэффициентининг қийматлари кўрсатилган.



7-расм. Кўёш сув чучитгичида дистиллят ҳосил бўлишининг ўзгариши графиги (2020 йил май-октябрь)



8-расм. Кўёш сув чучитгич қурилмасининг фойдали иш коэффициентини ўзгариши графиги (2020 йил май-октябрь)


Бир мавсумда (май-октябрь) кунлик ўртача дистиллят йиғилиш миқдори май ойида $6,56 \text{ кг/м}^2$, июнь ойида $7,08 \text{ кг/м}^2$, июль ойида $6,86 \text{ кг/м}^2$, август

ойида 6,03 кг/м², сентябрь ойида 4,64 кг/м² ва октябрь ойида 2,99 кг/м² ни ташкил этади. Мавсум давомида эса кунлик ўртача дистиллят йиғилиш миқдори 5,7 кг/м² ни ташкил этади.

Қурилманинг фойдали иш коэффициентини максимал қийматлари мос равишда июнь-август ойларида 60% дан юқори, сентябрь-октябрь ойларида эса 40% дан юқори эканлигини кўриш мумкин (8-расм).

Диссертациянинг «**Такмиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини ишлаб чиқиш ва тажрибавий тадқиқот қилиш**» деб номланган учинчи бобида таклиф этилаётган қуёш сув чучитгичнинг тажриба қурилмаси ва унинг ишлаш принципи, ундаги иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларининг тадқиқоти бўйича ўтказилган тажриба тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Такмиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини тадқиқот қилишнинг тажриба қурилмаси 9-расмда келтирилган.




1-қурилма метал корпуси; 2-қурилма поғоналари; 3-қурилма асоси; 4-шаффоф сирт (шиша); 5-шўр сув киритиладиган қувур; 6-чучук сув чиқиш қувури; 7-ортикча шўр сув чиқиш қувури; 8-нур тушишидан ҳимояловчи қоплама; 9-иссиқлик изоляцияси; 10-шўр сув юзаси; 11-буғ-ҳаво аралашмаси ҳажми; 12-шўр сув учун идиш; 13-қурилма жойлаштирилган ёғоч таглик.


9-расм. Такмиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси

Тажриба қурилмаси қуёш сув чучитгич қурилмаларида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнлари, чучук сувни ҳосил қилиш бўйича қурилма самарадорлигини ва фойдали иш коэффициентини аниқлаш бўйича тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун мўлжалланган.

Ҳосил бўлган чучук сувнинг максимал миқдорини, қурилманинг горизонтал текисликка нисбатан ўрнатилиш бурчагига, қурилма поғоналарини асосига нисбатан ўрнатилиш бурчагига, шўр сув сирти ва шаффоф сирт орасидаги масофага ўзаро боғлиқликлари 10 ва 11-расмларда тасвирланган.




10-расм. Ҳосил бўлган чучук сув миқдорини қурилма поғоналарининг жойлашиш бурчагига боғлиқлиги графиги



11-расм. Ҳосил бўлган чучук сув миқдорини шўр сув сирти ва шаффоф сирт орасидаги масофага боғлиқлиги графиги

10-расмда қурилмани ўрнатилиш бурчаги 20 дан 60° гача, қурилма поғоналарини ўрнатилиш бурчаги 30 дан 90° гача ўзгарганда ҳосил бўлган чучук сув миқдорлари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, қурилмани ўрнатилиш бурчаги 30° ва поғоналарни ўрнатилиш бурчаги 90° бўлганда чучук сувни ҳосил бўлиши максимал бўлади ва 20,5 мл/соат ни ташкил этади. 11-расмда қурилмани ўрнатилиш бурчаги 20 дан 60° гача, шўр сув ва шаффоф қоплама орасидаги масофа 4 дан 14 см гача ўзгарганда ҳосил бўлган чучук сув миқдорлари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, қурилмани ўрнатилиш бурчаги 30° ва поғоналарни ўрнатилиш бурчаги 90° бўлганда шўр сув ва шаффоф қоплама орасидаги масофа 5,21 см бўлганда чучук сувни ҳосил бўлиши максимал бўлади ва 20,5 мл/соат ни ташкил этади.

2018 йилнинг 8 ноябрь ва 9 ноябрь кунларида (қуёш бўлган шароитда) ўтказилган тажриба натижалари 12-расмда келтирилган.




R-қуёш радиацияси; M-чучитилган сув массаси; RH-буғ-ҳаво аралашмасининг нисбий намлиги

12-расм. 2018 йилнинг 8 ва 9 ноябрь кунларидаги ўтказилган тажриба натижалари графиги

13-расмда қия-қўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси термик самарадорлик коэффицентининг кун давомидаги соатлик ўртача


қийматлари келтирилган. Графикдан кўришиб турибдики, қурилманинг термик самарадорлик коэффициентининг максимал қиймати 64% ни ташкил этади.




13-расм. Қуёш сув чуқитгичи термик самарадорлик коэффициентининг кунлик ўзгариши графиги

2018 йил 9 ноябрда ўтказилган тажрибаларда қурилманинг чучук сув чиқариш қувури ва ортикча шўр сув чиқариш қувури учларига сифонлар ўрнатилиб, тадқиқотлар ўтказилган. Тажриба натижалари таҳлилига кўра, чучук сув чиқариш қувури ва ортикча шўр сув чиқариш қувури учига сифонлар ўрнатилганда чучук сувни ҳосил бўлиш миқдори 18-20 % га ортади.

2020 йил 10 ва 11 июль кунлари қурилмада кунлик ва мавсум давомида олинган ўртача чучук сув миқдорлари 14 ва 15-расмларда келтирилган.



14-расм. Кунлик олинган чучук сув миқдори графиги



15-расм. Май-октябрь ойларида олинган ўртача чучук сув миқдори графиги (2020 йил)

Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чуқитгич қурилмасининг бир метр квадрат юзасидан мавсум давомида бир суткада ўртача 6 л чучук сув олиш мумкинлиги аниқланган.


2020 йил мавсум давомида (май-октябрь) ўтказилган тажриба тадқиқотлари натижаларини умумлаштириш асосида қуйидаги эмпирик тенглама ишлаб чиқилган:

$$M_k = 0,66 + 0,007 \cdot q_T + 0,07 \cdot (T_a - 273,15) \quad (13)$$

Олинган (13) эмпирик тенглама орқали горизонтал сиртга тушувчи йиғинди қуёш нурланиши ва ташқи ҳароратни ҳисобга олган ҳолда қурилмада бир суткада ҳосил бўладиган чучук сув миқдори аниқланади. Ушбу эмпирик тенглама $200 \text{ Вт/м}^2 \leq q_T \leq 600 \text{ Вт/м}^2$, $283 \text{ К} \leq T_a \leq 313 \text{ К}$ оралиқда ўринли бўлади.

Диссертациянинг «**Такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини ишлатиш самарадорлиги ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасини ишлатиш самарадорлигини ошириш, тажриба натижаларининг хатоликларини баҳолаш ва такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича тадқиқот натижалари баён қилинган.


Такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг асоси орқали йўқотилаётган иссиқликдан самарали фойдаланиш мақсадида чучитгич қурилмаси қуритгич қурилмаси билан комбинациялаштирилган. Комбинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмасининг схемаси ва умумий кўриниши 16-расмда кўрсатилган.



1-сув чучитгич корпуси; 2-металл поғоналар; 3- шаффоф сирт (ойна); 4-шўр сув; 5-қуритиш қурилмаси; 6-асос; 7-полкалар; 8-қуритиладиган маҳсулот жойлаштирилган тўрли полкалар; 9-ҳаво тортиш қувури; 10-ҳаво кириши учун тиркиш; 11-қувур; 12-чучитилган сув чиқиш учун қувур; 13-шўр сувнинг ортиқча қисми чиқиши учун қувур


16-расм. Комбинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмаси

Комбинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмасида тажриба тадқиқотларини ўтказиш жаарёнида қурилмадан чучук сув олиш ва ўрик мевасини қуритиш амалга оширилган. Дастлабки тажриба тадқиқотларида комбинациялашган қуритгич-чучитгич қурилмаси элементларида ҳароратни ўзгариши аниқланган бўлиб, олинган натижалар 17 ва 18-расмларда график шаклида келтирилган.



1- шаффоф сирт (ойна) ҳарорати; 2-шўр сув ҳарорати; 3-чучук сув ҳарорати

17-расм. Чучитгич элементлари ҳароратларини вақт бўйича ўзгариши графиги




1-қуритиш камерасининг орқа девори ҳарорати; 2-чучитгич асоси ҳарорати; 3-қуритгич пастки асоси ҳарорати; 4-қуритгич юқори асоси ҳарорати; 5, 6-қуритгич ён деворларининг ҳароратлари

18-расм. Қурилма элементлари ҳароратини вақт бўйича ўзгариши графиги


Тажриба қурилмасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, чучитгич асосидан қуритгич камерасига узатилаётган иссиқлик миқдори ўрик маҳсулотини керакли намликгача қуритиш учун етарли бўлади.

Комбинациялашган чучитгич-қуритгич қурилмасида ўрик маҳсулотини қуритиш бўйича олинган тажриба натижалари 19 ва 20-расмларда кўрсатилган.



1-қуритиладиган ўрикнинг оғирлиги;
2- қуритилгандан кейинги ўрикнинг оғирлиги

19-расм. Ўрик маҳсулоти намлигини ўзгариши графиги




1-қуритиладиган маҳсулотнинг намлик миқдори; 2-қуритиш тезлиги


20-расм. Ўрик маҳсулотини қуритиш тезлиги графиги

19 ва 20-расмлардаги тажриба натижаларида ўрик маҳсулотинининг таркибидаги намлик ва қуритиш тезлиги ўзгаришидан кўриниб турибдики, чучитгич асоси ва қуритгич деворлари орқали узатилган энергия 3,495 кг бўлган ўрик маҳсулотини охириги намликгача қуритиш учун 5 кун етарли эканлиги аниқланди.

Таклиф этилган комбинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмасининг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар 21 ва 22-расмларда кўрсатилган.



21-расм. Қия-қўп поғонали қуёш сув чучитгичининг харажатларини қоплаш муддатини чучук сув тан нархига боғлиқлиги графиги



22-расм. Фоиз ставкаси 12% ва қурилма таннархи 30, 60, 90 ва 120\$ бўлганда қия-қўп поғонали қуёш сув чучитгичининг харажатларини қоплаш муддатини чучук сув тан нархига боғлиқлиги графиги

Ҳисоблашларда қуйидагилар қабул қилинган: қурилмадан фойдаланиш муддати $n=10$ йил; йил давомидаги қуёшли кунлар сони 300-310 кун; кунлик олинган чучук сув массаси 4,5 литр; қурилманинг дастлабки нархи $P=300000$

сўм; фоиз ставкаси $i=4-12\%$; бир литр чучук сувни сотиш нархи 40,5 сўмдан 1500 сўмгача.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоби шуни кўрсатадики, бир литр чучук сувни сотиш нархи 40,5 сўмдан 1500 сўмгача ўзгарганда ҳаражатларни қоплаш муддати мос равишда уч йилдан уч ойгача камаяди. 22-расмдан кўришиб турибдики, таклиф этилаётган қурилманинг таннархи ортиши билан ҳаражатларини қоплаш муддати 10 йилгача ортиши ҳамда самарадорликнинг ортиши билан ҳаражатларни қоплаш муддати 1,5 йилгача қисқаради.

Ишлаб чиқилган 1 м² юзали қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасидан бир мавсумда фойдаланилганда атроф муҳитга чиқаётган иссиқхона газларининг камайиши, ёқилғи турига қараб ҳар квадрат метрдан 1 мавсумда 542,6 кг (табiiй газ) дан 180,9 кг (кўнғир кўмир) гачани ташкил қилди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертацияда мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Қуёш сув чучитгич қурилмаларини техник-иқтисодий самарадорлигини ошириш усуллари ва технологияларини таҳлил қилиш асосида такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг илмий асосланган янги конструкция ишлаб чиқилди.

2. Қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасида содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларининг математик модели, моделни ҳисоблаш алгоритми ва қурилманинг шаффоф сиртига тушадиган йиғинди қуёш радиацияси қийматини аниқловчи компьютер дастури ишлаб чиқилди.

3. Такومиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг табиий шароитда ўтказилган тажриба тадқиқотлари натижаларини умумлаштириш асосида қуёш сув чучитгич қурилмасида олинадиган чучук сув миқдорини қуёш радиацияси ва атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқловчи эмпирик тенглама олинди.

4. Бир вақтнинг ўзида чучук сув олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш имконини берадиган комбинациялашган қуёш сув чучитгич-қуритгич қурилмаси яратилди (№ FAP 01462).

5. Такумиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси қуёш радиациясининг турли қийматларида табиий шароитда синовдан ўтказилди, натижада олинган дистиллят миқдори 6 кг/сутка ва қурилманинг самарадорлиги 61% ни ташкил этди.

6. Таклиф этилган такомиллашган қия-кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмаси Бухоро вилояти иқлим шароитида қўлланилганда, бир мавсум давомида қурилманинг ҳар бир м² юзасидан ўртача 1,08 м³ гача ичимлик суви олиншига эришилди, натижада бир мавсум давомида ушбу жараён учун талаб қилинадиган 95,7 кг шартли ёқилғи тежаб қолинишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МИРЗАЕВ МИРФАЙЗ САЛИМОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАННАЯ НАКЛОННО-
МНОГОСТУПЕНЧАТАЯ СОЛНЕЧНАЯ ОПРЕСНИТЕЛЬНАЯ
УСТАНОВКА**

05.05.06 – Энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2022

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2. PhD/Т206.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qmii.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Мирзаев Шавкат Мустакимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппонент

Уришев Бобараим
доктор технических наук, профессор

Ахатов Жасуржон Саидович
доктор технических наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится «11» 03 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 при Каршинском инженерно-экономическом институте. (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225. Тел: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (зарегистрировано № 18). (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225. Тел: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «21» 02 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от «21» 02 2022 года).



Г.Н. Узатов

член Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.А. Давлонов

член Научного совета по
ученых степеней, д.ф.т.н., доцент

Б. Уришев

председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование энергосберегающих технологий на основе возобновляемых источников энергии является одним из важнейших направлений в обеспечении населения пресной водой. Только 2 процента от общего количества воды земного шара составляет пресная вода. Согласно данным о динамике потребления пресной воды, ежегодный прирост населения составляет 83 млн человек, в связи с чем прирост потребности в пресной воде составляет 64 млн куб. Прогнозируется, что использование пресной воды в ближайшие 20 лет увеличится втрое¹. По этой причине, использование энергоэффективных солнечных опреснительных установок работающих на основе возобновляемых источников энергии важно, для обеспечения населения пресной водой.

В мире проводятся научные исследования, направленные на усовершенствование солнечных опреснительных установок, работающих на основе возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда и оптимизации теплотехнических параметров. Исследования в данном направлении считаются приоритетными, включая определение оптимальных конструктивных параметров солнечных опреснителей, моделирование процессов тепло- и массообмена в установке и повышении энергоэффективности солнечной опреснительной установки. По этой причине, особое внимание уделяется созданию наклонных многоступенчатых солнечных опреснительных установок, для получения пресной воды и оптимизации их основных теплотехнических параметров.

В нашей республике ведутся научно-исследовательские работы по развитию системы, обеспечивающей население пресной водой, усовершенствованию технологий очистки пресной воды, в том числе повышению эффективности солнечных опреснительных установок, обеспечивающие сэкономить природных топливных ресурсов. В стратегии на 2019-2030 годы по переходу Республики Узбекистан к «зеленой» экономике, поставлены важные задачи по «диверсификации потребления энергоресурсов и развитию использования возобновляемых источников энергии...»². При реализации этих задач, одним из актуальных научно-технических вопросов является создание и внедрение усовершенствованных наклонных многоступенчатых солнечных опреснительных установок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4779 от 10 июля 2020 года «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения

¹ <https://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/>

² Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4477 от 4 октября 2019 года «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019-2030 годов».

энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов»³, и, № ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии»⁴, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной области.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологии, фотоники и других передовых технологий».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира проводятся научные исследования по созданию высокоэффективных солнечных опреснительных установок на основании усовершенствования и оптимизации конструктивных параметров солнечных опреснительных установок.

Научные труды, в области исследований процессов тепло- и массообмена и оптимизации параметров солнечных опреснительных установок были проведены известными учеными Ж.А. Даффи, К.Т. Трофимовым, Р. Байрамовым, Г.Н. Тивари, Х.М.Йеехом, Э. Рубио, М. Фаридом Саад Абул-Энином и другими.

В республике научные исследования по созданию установок и технологий получения пресной воды на основании энергии солнца были проведены Р.А. Захидовым, Р.Р. Аезовым, А.Б. Вардияшвили, Б.М. Ачиловым, Т.Д. Джураевым, С.К. Каххоровым, О.С. Комиловым, Ж.С. Ахатовым и другими учеными.

Несмотря на положительные результаты исследований по повышению эффективности солнечных опреснительных установок, недостаточно изучены вопросы по разработке наклонных многоступенчатых солнечных опреснительных установок, разработке комбинированных опреснительно-сушильных установок, моделировании процессов тепло- и массообмена, происходящих в опреснительных системах и повышению энергоэффективности.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательской работы Бухарского государственного университета в рамках научно-исследовательского направления № Ф.01.2017 «Энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии» на 2017-2021 годы.

³ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПФ-4779 от 10 июля 2020 года «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов».

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан от 22 августа 2019 года № ПП-4422 «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии».

Целью исследования является разработка усовершенствованной наклонно-многоступенчатой солнечной опреснительной установки на основании исследования процессов тепло- и массообмена в солнечных опреснительных установках.

Задачи исследования:

